

**МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ
ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

Мурзаева Шахло Бахтиёровна

Тошкент кимё-технология институти

«Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси таянч докторанти

(+998909039991, spring3003@mail.ru)

Аннотация

Ушбу мақолада Миллий маданий марказларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, фаолияти шунигиндек Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида кенг кўламли фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *маданий марказ, миллат, урф-одат, анъана, фуқаро, ҳамжиҳатлик, жамият.*

Аннотация

В данной статье анализируются роль и деятельность Национальных культурных центров в жизни общества, а также широкомасштабная деятельность по развитию дружественных отношений между Узбекистаном и зарубежными странами, установлению связей с другими международными организациями.

Ключевые слова: *культурный центр, нация, обычай, традиция, гражданин, солидарность, общество.*

Annotation

In this state, the role and activity of national cultural centers in the society, as well as shirokomassshtabnaya activity for the development of friendly relations between Uzbekistan and foreign countries, and the establishment of ties with other international organizations are analyzed.

Key words: *cultural center, nation, custom, tradition, citizen, solidarity, society.*



Кириш

Бугун республикамиз ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Халқимиз ҳаётида миллатлараро бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эга. Миллий, маданий хайрихоҳлик ўзбек халқининг ўзига хос фазилатига айланган. Бағрикенглик ғояларини қарор топтириш ўта муҳим тамойил бўлиб, бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Халқимиз азалдан бағрикенглик, меҳмондўстлик, кечиримлилик, бошқаларнинг урф-одат ва қадриятларини эъзозлаш каби умуминсоний фазилатларини кўрсатиб келган. Миллатлараро тотувлик умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, тинчлик ҳамда барқарорликнинг ривожига хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча фуқаролари, ўз миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси халқини ташкил этиши қайд этилган. Конституция мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини, уларнинг равнақи учун шароит яратилишини, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, тенглиги таъминланишини кафолатлайди.

Конституциянинг 34-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. 58-моддада кўрсатилишича, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиб беради¹.

Ушбу қоидалар миллий маданий марказлар ташкил топишининг, фаолияти ва ривожланишининг ҳуқуқий асосидир. Миллий маданий марказларлар этномаданий эҳтиёжларни қондиришга, миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга ҳамда мамлакатда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Улар ўз миллий маданиятларини ривожлантириш билан бирга бир-бирлари билан яқин ҳамкорлик қилиб, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Миллий маданий марказларлар ва улар ишини мувофиқлаштирувчи

¹ <https://lex.uz/acts/20596>



Республика байналмилал маданият маркази фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – ёшлар ҳақида ғамхўрлик, мамлакатимиз келажаги бўлган баркамол авлодни шакллантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Бугун юртимизда 138 миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Улар турли миллат ва элатларга мансуб фуқароларнинг эзгу қадриятларини асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш, ёш авлодни миллатлараро бағрикенглик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда дўстлик жамиятларининг роли ҳам катта бўлмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 36 дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятлар Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, чет элда мамлакатимиз ижобий имижини тарғиб этиш, нодавлат ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакиллари республика ижтимоий, маънавий маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирidir. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика байналминал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Низомда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишда марказлар куйидаги фаолият турларини амалга оширади: мусика ва театр студияларини, она тили, тарих, ёзув, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлар ва ҳунармандчилик, миллий спорт ва ўйинлар турларини ўрганиш бўйича ўқув гуруҳлари ва якшанба мактабларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузади, миллий маданият, миллий тил, миллий санъат турлари ва миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадларида семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, фестиваллар ва учрашувларни, хор ва бадий жамоаларни ташкил этади. Миллий-маданий марказлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан ташкил этилган Республика байналминал маданият маркази



мувофиқлаштиради.² Республикамиз ҳудудида ҳар бир вилоятнинг миллий маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда улардан Жиззах вилоятида ташкил этилган Миллий маданий марказлар мисол бўла олади

Жиззах вилоятида 6 та миллий маданий марказлар (қирғиз, тожик, қozoқ, рус, татар ва корейс) вилоят адлия бошқармасида давлат рўйхатидан ўтказилган. Вилоятда ксенофобия, миллий устунлик ғоялари ҳамда жамиятимиз учун ёт бўлган бошқа ғояларнинг тарқалишига қарши курашиш бўйича барча зарур чора-тадбирлар белгиланган. Жиззах вилоятида мамлакатимиз аҳолисининг 4,1%и истиқомат қилади. Жумладан, ўзбеклар – 1208,7; қирғизлар – 41,6; қozoқлар – 28,4; тожиклар – 31,6; руслар – 14,9; татарлар – 6,4; корейслар – 2,7; туркмалар – 0,4; қoрақалпоқлар – 0,2; бошқа миллат ва элатлар вакиллари – 17,3 минг киши ташкил этади. Миллий маданий марказлар қардош халқлар вакилларида иборат бўлган диаспоралар ўртасида ўзаро ҳурмат муҳити шаклланган бўлиб, турли салбий кайфиятнинг келиб чиқишига ҳеч қандай асослар мавжуд эмас.

Республикамизнинг Бухоро вилоятида ҳам кўпгина миллий маданий марказлар фаолият юритиб келмоқда. Биргина мисол қилиб немис маданий марказини олсак бўлади.

Немис миллий-маданий маркази. “Халқлар доҳийси” Сталин бошқарган тоталитар тузумнинг 30-йиллардаги қатағони Волга бўйи минтақасидаги тинч меҳнат билан шуғулланаётган немис миллатига мансуб аҳолини ҳам четлаб ўтмади.

Ўн минглаб немис оилалари асрлар бўйи яшаб келган жойидан анча олис юртларга – Ўрта Осиё республикаларига сургун қилинди. Уларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам эндиликда мустақилликка эришган минтақа мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда яшаб келишмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятларида маҳаллий немисларнинг миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатаёпти. Юртимизда фаолият кўрсатаётган “Видергебурт” (“Тикланиш”) немис миллий-маданий маркази раҳбари Ольга Мейер бу тўғрида шундай ҳикоя қилади: - марказимиз 1995 йилнинг январь ойида рўйхатдан ўтган.³Биз ўз олдимизга ўтроқлашиб қолган маҳаллий немис аҳолисининг бошларини бирлаштириб, авлодларимиз анъаналарини, урф-одатлари, қадриятлари, санъат ва маданиятини тиклашни

² Ахмедов Б.А. Ўзбек улуси. Т., 1991

³ Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятдан. “Видергебурт” ҳамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.



мақсад қилиб қўйганмиз. Бу йўналишда муайян ишларни амалга ошириб улгурдик ҳам.

Юртимизда яшаётган немис миллатига мансуб фуқаролар, гарчи кўпчиликни ташкил қилишмасда, шароит, тақдир тақозоси билан ўз она тилларини унутишган. Бу шўроларнинг оғизда байналминалу амалда “руслаштириш” сиёсатининг аянчли маҳсулидир. Марказ ана шу кемтикни йўқотиш учун мана бир неча йилдирки, немис тилини ўрганишни истаган миллатдошлар учун махсус ўқув курслари ташкил қилган. Унда ўқиш бепул бўлгани учун нафақат немис, балки юртимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ҳам ихтиёрий равишда келиб, немис тилидан сабоқ олишмоқда. Немис тили дарсликлари, газета-журналлари, ўқув қуроллари, видеокассеталарни марказга Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тухфа қилган.⁴

Марказ қошида “Вассервал” ёшлар клуби ҳам иш олиб бормоқда. Бу клуб аъзолари немис санъати ва маданиятини чуқур ўрганишга аҳд қилган. Маҳаллий немис ёшларидан иборат чоғроққина ансамбль вилоятимиз марказида ўтказилаётган Наврўз, Мустақиллик байрамлари тантаналарида иштирок этмоқда. 2001 йил мартда Қозоғистоннинг Тараз шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларида фаолият кўрсатаётган 18 та миллий-маданий марказларнинг ёшлар фестивали ўтказилди. Марказ вакиллари бўлмиш “Вассервал” ёшлар клуби ушбу нуфузли кўрик-танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Германиянинг расмий идоралари билан бир қаторда кўплаб жамоатчилик ташкилотлари ҳам Ўзбекистоннинг бир гўшаси – Бухорои Шарифда миллатдошларининг миллий-маданий маркази фаолият кўрсатаётганидан хабардор. Улар турли масалаларда марказ билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Марказ вилоятимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун Германия инвестициясини киритиш йўлида ҳам иш олиб борапти. Корхоналар, ишбилармон ва тадбиркорлар таклифларини ўрганиб, Германиянинг жаҳонга машҳур фирма ва концернлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашилмоқда. Германиянинг Марказий Осиё мамлакатларига инсонпарварлик ташкилоти (штаби Алматида жойлашган) билан алоқалари яхши йўлга қўйилган.⁵

⁴ Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятидан. “Видергебург” ҳамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.

⁵ Сафаров И. Миллий-маданий марказлар фаолиятидан. “Видергебург” ҳамкорликка чорлайди./ Бухоронома. 2001 йил, 11 апрель.



ХУЛОСА

Мамлакат ва ўлкалар кўп. Аммо инсоннинг ота-онаси каби Ватани ҳам битта бўлади. “Ўзбекистон – Ватаним маним” деган мағрур жарангловчи шиор бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилувчи русу тожик, қозоғу қирғиз, туркману корейс, немису грузин каби миллат вакиллари тилида жаранглаб, миллий бирлигимиз тимсолига айланаётгани, катта-кичик тадбирларда рангоранг либос кийган турли миллат болаларининг Ўзбекистонни чин дилдан мадҳ этаётгани Ватан барча ўзбекистонликлар учун том маънода ягона эканидан далолат беради. Жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт мусобақаларида юртимиз вакиллариининг ғалабаси, ғолиб бўлганликлари учун уларнинг шарафига озод Ватанимиз байроғи баланд кўтарилгани, кўзларидаги севинч ёшлари, юрт байроғини кўзларига суртиб, кўксини баланд тутгани бу муборак тупроқ ҳар бир юртдошимизга чексиз ғурур-ифтихор бахш этишини кўрсатди. Буларнинг барчаси “Ватан” тушунчасининг мазмун-моҳияти, сеҳру жозибаси ва қудрати унинг барчага тенглиги ҳамда барчани бирлаштира олишида ҳам намоён бўлишини кўрсатади.

Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва юртимиз бугунги кунга қадар эришган ютуқлар мисолида байроғимизни дунё миқёсида янада баландларга кўтариш эса мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бурчи ҳисобланади.

